Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 30 апрель, № 88 (7590) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: ЮРТДОШЛАРИМИЗ ЧИНАКАМ САБР-ТОҚАТ ВА МАСЪУЛИЯТ, МЕҲР-ОҚИБАТ ФАЗИЛАТЛАРИНИ НАМОЁН ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 апрель куни пандемия даврида аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш ва нарх-наво барқарорлигини сақлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказди. Тадбир аввалида 27 апрель кечаси Бухоро, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида юз берган табиий офат ва унинг оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирларига ҳамда коронавирус инфекциясига қарши кураш доирасида юртимизда амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтди, кенг жамоатчиликка мурожаат қилди. Давлатимиз раҳбари, жумладан, шундай деди:

— Хабарингиз бор, мен кеча Бухоро вилоятида бўлиб, юзага келган вазият билан яқиндан танишдим. Бу масала бўйича тузилган Республика комиссияси ва жойлардаги масъул мутасаддилар билан биргаликда ушбу ҳудудларда амалга ошириладиган барча ишларни батафсил муҳокама қилиб, тегишли чора-тадбирларни белгилаб олдик.

Мазкур вилоятларда бир қатор ижтимоий соҳа объектлари, табиий газ ва электр тармоқларига, тураржой бинолари ва маданий мерос иншоотларига, шунингдек, қишлоқ хўжалиги майдонларига жиддий талафот етган.

Шуни таъкидлаб айтмоқчиманки, давлатимиз, ҳукуматимиз томонидан табиий офатдан зарар кўрган ташкилот ва хўжаликларга, фуқароларга ёрдам ва кўмак бериш бўйича барча чора-тадбирлар ўз вақтида амалга оширилади.

Такрор айтаман, биронта ҳам юртдошимизни, биронта ҳам оилани ушбу кутилмаган фалокат қаршисида ёлғиз қолдирмаймиз.

Энди эпидемиологик вазият ва пандемияга қарши кураш бўйича ишларга тўхталсак.

Бугунги кунда мамлакатимиз бўйича ушбу касалликка чалинган беморларнинг 55 фоиздан ортиғи тўлиқ соғайганини алоҳида қайд этмоқчиман.

Қолган беморларни ҳам даволаш юзасидан, ўзимизда амалий ёрдам бераётган 18 нафар хитойлик, германиялик, кореялик врачлар ҳамда телемедицина орқали бошқа етакчи хорижий мутахассислар билан ҳамкорлик қилган ҳолда, барча зарур чоралар кўрилмоқда.

Мамлакатимиз тиббиёт ходимларининг бугунги кунда касалликка қарши олиб бораётган машаққатли ва ўта масъулиятли меҳнатини муносиб қадрлаш ва рағбатлантириш учун куни кеча яна бир муҳим қарорни имзоладим. Унга кўра, санитария-эпидемиология хизматининг қарийб 11 мингга яқин барча тоифадаги тиббиёт ходимларининг иш ҳақи 2,5 бараварга оширилди.

Умуман, карантин қоидаларини ўз вақтида жорий этганимиз ва халқимиз унга сабр-тоқат билан амал қилаётгани туфайли кўплаб туман ва шаҳарларда инфекция тарқалишига йўл қўймадик.

Қадрли юртдошлар!

Шу ўринда кўнглимдаги бир фикрни жамоатчилигимиз, халқимизга очиқ айтмоқчиман.

Мана, бир ярим ойдан ошдики, эл-юртимиз "Уйда қолинг" деган даъватга амал қилиб, юксак жасорат кўрсатиб, ялпи карантин шароитида яшамоқда. Оилам, болачақам, деб тиниб-тинчимайдиган, эртаю кеч ғайрат билан меҳнат қиладиган халқимиз учун бундай мажбурий ҳолат, албатта, осон кечаётгани йўқ.

Юртдошларимиз оғир синов кунларида чинакам сабр-тоқат ва масъулият, меҳр-оқибат фазилатларини намоён этяпти. Буни жаҳон ҳамжамияти ҳам тан олиб, ҳар томонлама эътироф этмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, пандемияга қарши курашнинг олдинги сафларида чинакам қаҳрамонлик кўрсатаётган барча шифокорларимизга, шу жумладан, тез ёрдам хизмати ходимлари ва ҳайдовчиларига алоҳида миннатдорчилик билдираман.

Шу жараёнда ўзини аямасдан хизмат қилаётган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига, мард ва жасур ҳарбийларимизга, вазирлик ва идоралар, ҳокимликларнинг раҳбарлари ва хизматчиларига, муҳтарам нуронийларимиз ва маҳалла фаолларига, саховатпеша тадбиркорларимизга, олимларимиз, ўқитувчи ва домлалар, ижодкор зиёлиларимиз, имом-хатибларимизга чин дилдан раҳмат айтаман.

Ҳозирги мураккаб шароитда ўз профессионал бурчини виждонан бажараётган оммавий ахборот воситалари вакилларига, инсонпарварлик намунасини кўрсатиб, кўнгилли бўлиб волонтёрлик ҳаракатида қатнашаётган фидойи ёшларимизга ўз номимдан, халқимиз номидан катта миннатдорчилик билдираман.

Ҳурматли дўстлар!

Республикамизда санитар-эпидемиологик вазият аста-секин барқарорлашиб бораётганини ҳисобга олиб, мутахассислар билан маслаҳатлашган ҳолда, карантиндан босқичма-босқич чиқиш бўйича навбатдаги қадамларни қўйиш вақти келди.

Чунки ҳаёт давом этмоқда. Биз эртанги кун ҳақида, эл-юртимизнинг келажаги тўғрисида ҳар дақиқа ўйлашимиз керак.

Биринчидан, санитария-эпидемиология ҳолатининг ижобий динамикаси, об-ҳаво шароити ва фуқароларнинг кўплаб мурожаатларини инобатга олган ҳолда, шаҳар ва туманлардаги кўп қаватли уйларнинг ички ҳовли ва ҳудудларида ота-оналар ҳамроҳлигида болаларини сайр қилдиришга рухсат бериш керак. Бунда хавфсизлик чораларига қатъий риоя қилиш талаб этилади.

Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия ушбу топшириқнинг ижросини сўзсиз таъминлаш чорасини кўрсин.

Тошкент шаҳри бу борада намуна бўлиши керак.

Иккинчидан, пишиб етилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нобуд бўлишининг олдини олиш мақсадида аҳоли талабларидан келиб чиқиб, фермер ва деҳқонларимиз томонидан етиштирилган мева-сабзавот, полиз ва кўкат маҳсулотларини жойларга етказиш ва сотиш учун вилоятлараро ва шаҳарлараро қатновларни амалга оширишга рухсат бериш лозим.

Мисол учун, илгари Фарғона водийсидан Қамчиқ довони орқали пойтахтимиз ва бошқа вилоятларга катта ҳажмда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берилар эди. Ҳозир бу йўл ёпиб қўйилган. Ёки Самарқанд вилоятидан Қорақалпоғистон Республикаси, Зарафшон шаҳри ва бошқа ҳудудларга кўплаб маҳсулотлар олиб борилар эди. Бу ишлар ҳам ҳозир тўхтаб турибди. Шунинг учун Бош прокурор бошчилигидаги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш комиссиясига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жойларга етказиб бериш бўйича 24 соат ишлайдиган узлуксиз тизим ташкил этиш топширилади.

Ички ишлар вазирлиги деҳқон ва фермер хўжаликларининг автотранспорт воситаларини ҳудудлараро постларда кутиб олиш, уларни ташкил этилган ярмаркалар ва савдо нуқталарига тартиб билан кузатиб боришни таъминласин.

Давлат солиқ қўмитаси, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги сотиш учун олиб келинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жойларда аҳоли талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, савдо майдончалари, ярмарка ва бозорларга йўналтириб борсин.

Учинчидан, аҳоли орасида касалликка чалиниш динамикаси пасайиб бораётганини инобатга олиб, фуқароларимиз томонидан шахсий автотранспортдан фойдаланишга чекловларни ҳам секин-аста юмшатиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Республика комиссияси тегишли чекловлар ўрнатилган ҳудудларда аҳоли томонидан ерталаб соат 7:00 дан 10:00 гача ҳамда кечқурун 17:00 дан 20:00 гача шахсий автомашиналардан фойдаланишга рухсат берилишини таъминласин.

Бунда:

шахсий автотранспортдан, биринчи навбатда, фуқароларимизнинг иш жойига, тиббиёт муассасаларига бориши ва уйига қайтиши, истеъмол маҳсулотлари, дори-дармон ва тиббий буюмларни харид қилиши учун фойдаланиши;

махсус рухсатномаларга (стикерларга) эга ва етказиб бериш хизматини кўрсатаётган фуқаролар эса шахсий автотранспортда ҳеч қандай чекловсиз ҳаракатланиши мумкинлиги белгилансин.

Шу билан бирга, ҳурматли олимларимизга, илмий-тадқиқот институтлари ходимларига, профессор-ўқитувчиларимизга санитария-гигиена нормаларини таъминлаган ҳолда ўз лаборатория ва кафедраларида кундалик ишларини давом эттиришларига ижозат бериш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Улар илмий ва ўқув жараёнларини ташкил этишга аста-секин тайёргарлик кўриб боришларига, мен ўйлайман, вақт беришимиз керак.

Албатта, вазиятимиз яхшиланиб, ижобий томонга ўзгариб бориши билан, 10 майдан кейин биз карантин режимини босқичма-босқич юмшатишга қаратилган ишларимизни янада дадилроқ давом эттирамиз.

Лекин такрор ва такрор айтаман: ҳамма жойда санитария талабларига амал қилишга биринчи даражали масала деб қарашимиз керак.

Мамлакатимизда пандемияга қарши кураш борасида ўтган вақт мобайнида муҳим тажриба ортирилди. Энди ундан юқумли касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш, санитария-гигиена қоидаларига қатъий амал қилиш ҳамда тиббий маданиятни ошириш йўлида самарали фойдаланишимиз зарур.

Таъкидлаб айтаман, агар бу талабларга барчамиз қатъий амал қилмасак, санитария-карантин нормаларига аҳамият бермасак, шунча қилган ишларимиз, кўрган чора-тадбирларимиз зое кетиши ҳеч гап эмас.

Энг асосийси, ҳар биримизнинг соғлиғимиз ўзимизга ва, айни вақтда, бутун халқимизнинг соғлиғи ҳар биримизга, бизнинг онгу тафаккуримиз, тартиб-интизом ва сабр-бардошимизга боғлиқ эканини барчамиз ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Ҳурматли селектор қатнашчилари!

20 апрелдаги йиғилишда вирусдан холи туман ва шаҳарларда карантин қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда, корхоналар фаолиятини тиклаш бўйича топшириқ берилган эди.

Бунда, яна бир бор такрорлайман, шошилмасдан, пухта ўйлаб, карантин қоидаларига тўлиқ амал қиладиган корхоналар ишини тиклаш лозим.

Бу борада Наманган вилоятида фаолиятини тўхтатган ёки паст қувватда ишлаётган 10 мингдан зиёд корхонадан 2 минг 854 тасининг ишини тиклаш бўйича қарор қабул қилинган. Яна 851 тасининг ишлашига рухсат бериш масаласи ўрганилмоқда.

Хоразм вилоятида 3 минг 350 та ишламаётган корхонадан 448 тасининг фаолияти тикланади, 409 таси бўйича ўрганиш ўтказилмоқда.

Жиззах вилоятида иш қувватини пасайтирган 6 мингдан зиёд корхонадан 534 тасининг фаолиятини тиклаш бўйича қарор қабул қилинган, 332 тасига рухсат бериш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Тошкент вилоятида иш ҳажми кескин пасайиб кетган 14 мингта корхонадан 5 минг 399 тасининг фаолиятини тиклаш бўйича қарор қабул қилинган, 2 минг 833 таси бўйича ўрганиш давом этмоқда.

Ҳокимлар ва сектор раҳбарлари ўз ҳисоботида корхоналар фаолиятини тиклаш бўйича ишларни қандай ташкил этгани ва уларда карантин қоидалари тўлиқ бажарилишини шахсан кафолатлаши тўғрисида ахборот бериши керак.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ — БУГУНГИ КУНДАГИ ЭНГ МУҲИМ МАСАЛА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 29 апрель куни пандемия даврида аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш ва нарх-наво барқарорлигини сақлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Жаҳон бозорида нефть, пахта, газ ва электр энергияси нархи пасайиб, озиқ-овқат товарларининг нархи ошиб бормоқда. Кўплаб давлатлар ун, дон, гуруч, ёғ, картошка каби маҳсулотларни экспорт қилишга чекловлар ўрнатди.

Шу боис қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш бугунги кундаги энг муҳим масала ҳисобланади. Бу борада мамлакатимизда суғориладиган майдонларда 2-3 мартадан ҳосил олиш, фойдаланишдан чиққан ерларни ўзлаштириш чоралари кўрилмоқда. Ишлаб чиқариш ва сақлаш қувватлари кенгайтирилмоқда.

Йиғилишда маҳсулот етиштиришни ошириш, стратегик захираларни шакллантириш масалалари муҳокама қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси, ҳар бир вилоят ва туман раҳбарида жорий йил 1 июндан 2021 йил 1 июнгача аҳоли эҳтиёжини таъминлаш бўйича аниқ ҳисоб-китоб бўлиши кераклиги таъкидланди.

Туманларда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имкониятлари, оборотдан чиққан ерларни ўзлаштириш, мева-сабзавотчилик ва чорвачиликдаги резервлар аниқ белгилаб берилган. Энди шу бўйича ишни ташкил этиб, етишмайдиган маҳсулотни бошқа туманлардан олиш ёки ортиқчасини сотиш лозимлиги қайд этилди.

Мисол учун, Деҳқонобод туманида пахта экилмайди, ғалла эса лалми майдонда етиштирилади. Чироқчи туманида 100 минг гектардан ортиқ яйлов ерлардан самарали фойдаланилмаяпти. Бу туманларда Қорақалпоғистон тажрибаси асосида кооперация усулида чорвачилик корхоналари ташкил этиш яхши самара беради.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун юртимизда етарли ҳажмда етиштирилмайдиган маҳсулотлар майдонини кенгайтириш ғоят муҳим.

Масалан, 2019 йилда қарийб 60 минг тонна гуруч импорт қилинган. Ёки етарли ер майдонлари бўла туриб, 150 минг тонна картошка четдан олиб келинган.

Шулардан келиб чиқиб, жорий йилда қўшимча 10 минг гектар ерда, жумладан, Хоразмда 6 минг, Қорақалпоғистонда 3 минг, Сирдарёда 1 минг гектарда кўчат усулида шоли экиш бўйича топшириқ берилди. Картошка экиладиган майдонларни камида 50 минг гектарга етказиш ва ҳосилдорликни 2 баробарга ошириш вазифаси қўйилди.

Ёғ-мой саноати тизимидаги қувватлардан атиги 46 фоиз фойдаланилмоқда. Хом ашёнинг 90 фоизини чигит ташкил қилади. Шу боис 22 та йирик ёғ-мой корхонасига оборотдан чиққан 50 минг гектар ерни бириктириб, соя, махсар, кунгабоқар каби мойли экинлар етиштиришни йўлга қўйиш, улардан маҳсулот ишлаб чиқаришни 40 минг тоннага етказиш зарурлиги таъкидланди.

Бу йил ғалла ҳосилидан 735 минг тонна буғдой фермерлар ихтиёрида қолиши эълон қилинган, ҳосилдорликни 20 центнерга ошириш режалаштирилган. Бу ишлар фермерларнинг манфаатдорлигини ошириш, аҳолини дон ва ун маҳсулотлари билан етарли миқдорда таъминлаш учун қилинмоқда.

Мутасаддиларга донни бозор нархида сотиб олиш, донни қайта ишловчи хусусий корхоналарни жалб қилган ҳолда сақлаш ва қайта ишлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ички бозорни маҳсулот билан тўлдиришда томорқа, экспорт учун дала деҳқончилиги катта захира ҳисобланади.

Икки йил олдин ташкил этилган "Томорқа хизмати" тизимидаги 244 та корхонанинг 65 таси экспорт қилмоқда. Бироқ кўп жойларда бу хизмат тўлиқ ишламаяпти. Шу боис мазкур тизимни такомиллаштириш, корхоналарга кўчат етиштириш учун ер ажратиш, уларни техника ва ускуналар билан таъминлаш зарурлиги қайд этилди.

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига хонадонларда маҳсулотларни сақлаш учун 20 — 30 тонналик кичик ҳажмли музлаткичлар қурилишини ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саноат усулида қайта ишлашни кўпайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Хусусан, сут маҳсулотлари импорти ҳажми 70 миллион доллардан ошгани, юртимизда тўлиқ ишлаб чиқариш имкони бўлган майонез, томат, консерваланган маккажўхори ва нўхат ҳам четдан келтирилаётгани кўрсатиб ўтилди. Сутни қайта ишлаш даражаси Хоразм, Наманган, Сурхондарё вилоятларида 10 фоизга ҳам етмайди.

"Ўзбекозиқовқатхолдинг" компаниясига импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва қайта ишланган мева экспорти ҳажмини ошириш вазифаси қўйилди. Шунингдек, ички истеъмол талабидан ортиқча мева-сабзавотларни нобуд қилмай, ташқи бозорларга сотиш бўйича топшириқлар берилди.

Коронавирус пандемияси кўп масалалардаги хатоларни, жумладан, деҳқон бозорларидаги камчиликларни яққол кўрсатди. Шу боис ҳозиргача бўлган стандартларни қайта кўриб чиқиш, деҳқон бозорларида давлат иштироки талабини бекор қилиб, хусусий сектор иштирокида замонавий деҳқон бозорлари ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Стратегик захираларни шакллантириш борасида ҳам жиддий камчиликлар борлиги маълум бўлди. Масалан, 6 турдаги маҳсулот бўйича захира шакллантирилмаган. Буғдой эса, аксинча, заруратга нисбатан 5 баробар кўп ғамланган.

Шу боис Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига стратегик захиралар номенклатураси ва ҳажмларини танқидий кўриб чиқиб, бу борада янги тизим яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан агросаноат тармоғи раҳбарлари ва ҳокимларнинг ҳисоботи эшитилди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЮРИДИК ТАЪЛИМ ВА ФАННИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатда ўқув-педагогик жараёнга инновацион илғор ва халқаро таълим стандартларини жорий этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва профессор-ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш, шунингдек, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашни назарда тутадиган юридик таълим тизимини такомиллаштириш бўйича бир қатор аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, миллий юридик таълимнинг самарадорлиги нисбатан пастлигича қолмоқда, бу юқори малакали мутахассис-ҳуқуқшуносларни тайёрлаш ва мамлакатда юридик фанни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлиги билан изоҳланади.

Юридик кадрларни тайёрлаш соҳасида рақобатнинг мавжуд эмаслиги миллий юриспруденция илмий мактабининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатмоқда, шунингдек, ҳудудлардаги иқтидорли ёшлар учун тенг таълим олиш имкониятларини чекламоқда.

Ҳуқуқ соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижаларини амалий жиҳатдан жорий этиш, ўқитишнинг илғор услубларидан кенг фойдаланиш, шунингдек, замонавий талабларни инобатга олган ҳолда таълим стандартларини модернизациялаш ва ўқув дастурларини қайта кўриб чиқишга етарли эътибор берилмаяпти, бу эса юридик таълим сифати ва илмий салоҳиятнинг пасайишига олиб келмоқда.

Юридик таълим ва фан тизимини тубдан такомиллаштириш, уларнинг халқаро таълим майдонидаги рақобатбардошлигини таъминлаш, юридик кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, шунингдек, кенг юридик жамоатчиликнинг:

Тошкент давлат юридик университетини (кейинги ўринларда — ТДЮУ) "юриспруденция" мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш бўйича **базавий олий таълим ва илмий-методик муассасаси** этиб белгилаш;

Самарқанд, Наманган ва Термиз давлат университетларида юридик факультетлар (кейинги ўринларда — юридик факультетлар) **ташкил этиб**, "юриспруденция" йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланган тартибда шакллантириладиган ва тасдиқланадиган квоталар бўйича қабулни, шу жумладан, табақалаштирилган тўлов-контракт асосида қўшимча қабулни амалга ошириш;

давлат, ҳуқуқ ва сиёсий-ҳуқуқий таълимот соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширадиган **Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Давлат ва ҳуқуқ институтини** ташкил этиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар юридик таълим ва фанни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

замонавий талаблар, илғор халқаро юридик тажриба ва меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида **юқори малакали, ижодий фикрлайдиган, ҳалол кадрлар тайёрлашни таъминлаш**;

ўқитишнинг кредит-модуль тизимини ва талабалар билимини баҳолаш усулларини **такомиллаштириш**, ўқув жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш ҳамда ўқув базасини модернизациялаш;

клиник юридик таълимни ривожлантириш йўли билан ўқув жараёни ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўртасида узвий алоқани таъминлаш;

ривожланган хорижий давлатларнинг етакчи таълим ва илмий муассасалари билан **ҳамкорликни, қўшма ҳуқуқий тадқиқотларни, профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўзаро алмашинувини фаоллаштириш**;

ахборот ҳуқуқий технологиялар ва тизимларни (Legal Tech) ишлаб чиққан ҳолда давлат ва ҳуқуқ соҳасида илмий ва инновацион тадқиқотларни ўтказиш;

хорижий ҳамкорлар билан биргаликда юридик кадрларни тайёрлаш бўйича **қўшма таълим дастурларини** (double degree) амалга ошириш, ўқув-таълим жараёнига хорижий олимлар ва мутахассисларни фаол жалб қилиш;

(Давоми 2-бетда).

Ҳамжиҳатлик

Матонатли бухороликларнинг куч-қудрати, аҳиллиги жўш ургай

Аввал хабар берилганидек, шу йилнинг 27 апрель куни кечқурун республикамизга Туркманистон ҳудудидан кириб келган кучли шамол ва ёмғир Бухоро вилояти, хусусан, Олот ва Қоракўл туманларининг инфратузилма объектлари, тураржойлар ва экин майдонларига катта зиён етказди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг зудлик билан Бухоро вилоятига ташриф буюриб, мавжуд вазиятни ўрганиши ва одамлар билан қилган самимий мулоқоти вилоят аҳлининг руҳиятига тетиклик, шижоат ҳамда куч бағишламоқда.

Айни пайтда тураржойлар ва инфратузилма объектларини таъмирлаш, аҳолига ҳар томонлама кўмаклашиш бўйича мутасаддиларга берилган топшириқлар ижросига жиддий киришилди. Қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт тармоқлари, жамоат хавфсизлиги юзасидан белгиланган тезкор чора-тадбирлар амалга ошириляпти.

4

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2020 йил 30 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЮРИДИК ТАЪЛИМ ВА ФАННИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“Электрон университет” (E-University) тизимини жорий этган ҳолда очиқ, шаффоф, субъективлик ва суиистеъмолчиликлардан холи бўлган таълим муҳитини яратиш;

ТДЮУ ва юридик факультетларни халқаро тан олинган таълим муассасалари рейтингига киритиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш орқали миллий юридик таълим рақобатбардошлигини ошириш.

3. **Юридик кадрларни тайёрлашга буюртма шакллантиришнинг шундай тартиби** жорий этилсинки, унга мувофиқ:

ТДЮУ, юридик факультетлар ва юридик техникумларга қабул параметрлари **юридик кадрларга бўлган эҳтиёжни мониторинг қилиш ва прогнозлаштириш электрон платформасини яратган ҳолда** давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, турли мулкчилик шаклидаги ташкилотлар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларида **жорий ва истиқболдаги юридик кадрларга бўлган эҳтиёжни** ҳисобга олиб, **ҳар бир ҳудуд, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳалар кесимида таҳлил қилиш асосида** шакллантирилади;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши **ҳар йили белгиланган муддатларда иш берувчиларнинг юридик кадрларга бўлган эҳтиёжлари ҳақидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим қилади**;

мулкчиликнинг барча шакларидаги ташкилотлар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари, **юридик кадрларни тайёрлашга буюртмани шакллантиришда** иштирок этишга, хусусан, **ТДЮУ, юридик факультетлар ва юридик техникумларда кадрларни мақсадли тайёрлаш учун тўловни**, улар томонидан ўқишни тугатганидан сўнг, шартномада белгиланадиган муддат давомида ташкилот-буюртмачида узлуксиз ишлаш мажбуриятини қабул қилган ҳолда, амалга оширишга ҳақли;

потенциал иш берувчилар билан биргаликда шартнома асосида мутахассислар тайёрлашни **(таълим кластерлари)** ташкил этган ҳолда **юридик кадрларни тайёрлашга буюртма жойлаштириш учун** юридик кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасаларини **саралаш танлови** жорий этилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда **мунтазам равишда** тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига, ўз юридик хизматларини ташкил этишда кўмаклашсин;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юридик маълумот зарур бўлган лавозимлар рўйхатини кенгайтирган ҳолда **Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторини** қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритсин.

4. **Тошкент давлат юридик университети Васийлик кенгашининг** янги таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Васийлик кенгаши зиммасига, қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалар билан бир қаторда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, турли мулкчилик шаклидаги ташкилотлар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларида **юридик кадрларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжни чуқур таҳлил қилиш асосида юридик кадрларни тайёрлашга буюртмани самарали шакллантиришни таъминлаш** вазифаси юклансин.

5. Қуйидагилар:

ТДЮУда Нагоя университети (Япония) билан ҳамкорликда ташкил этилган япон тили ва ҳуқуқи ҳақидаги билимларга эга малакали юридик кадрларни тайёрлаш, академик алмашинув ва қўшма илмий ҳуқуқий тадқиқотларни ўтказишга кўмаклашувчи **Япон ҳуқуқини ўрганиш маркази** фаолият юритаётганлиги;

Регенсбург университети (Германия Федератив Республикаси) билан 2020 йилда ТДЮУда немис тили ва ҳуқуқини биладиган юқори малакали юридик кадрларни тайёрлашга қаратилган **Немис ҳуқуқи ва қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар марказини** очиш тўғрисида келишувга эришилганлиги;

Буюк Британия ва Хитой Халқ Республикаси олий таълим муассасалари билан ТДЮУда инглиз ва хитой ҳуқуқини ўрганиш марказларини ташкил этиш бўйича музокаралар олиб борилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда ТДЮУга хорижий ҳуқуқни ўрганиш марказлари фаолиятини ташкил этишда ҳар томонлама кўмаклашиб борсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва ТДЮУнинг қуйидагилар тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин:

а) ТДЮУда **Халқаро ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшунослик факультети** (кейинги ўринларда — Факультет) ташкил этиш, унинг зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни юклаш:

халқаро хусусий ҳуқуқ, шу жумладан, халқаро арбитраж ҳуқуқини чуқур ўрганиш, шунингдек, миллий ва япон, немис ҳуқуқи ҳамда бошқа ривожланган хорижий давлатлар ҳуқуқ тизимларини қиёсий тадқиқ қилиш асосида юқори малакали юридик кадрлар тайёрлаш;

Япония, Германия ва бошқа ривожланган хорижий давлатлар ҳуқуқи ва ҳуқуқий тизимларининг қиёсий тадқиқотлари натижаларини ҳисобга олган ҳолда халқаро ҳуқуқ нормаларини имплементация қилиш ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

хорижий ҳуқуқ ва ҳуқуқий тизимларни қиёсий тадқиқ қилиш мақсадида хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим муассасалари билан профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви ҳамда стажировкаларни тизимли асосда ташкил этиш;

конституциявий, фуқаролик, маъмурий, жиноят, жиноят-процессуал ва ҳуқуқнинг бошқа соҳаларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

б) Факультетнинг асосий ҳамкорлари сифатида Япония томонидан — **Нагоя университетини,** Германия Федератив Республикаси томонидан — **Регенсбург университетини** белгилаш.

Белгилансинки:

хорижий ҳуқуқни ўрганиш марказлари Факультет таркибида фаолият юритади;

Факультет негизида хорижий таълим муассасалари ва халқаро ташкилотлар билан ҳуқуқ соҳасида қўшма тадқиқот, ўқув-таълим ва бошқа лойиҳаларни ташкил этиш бўйича майдон яратилади;

Факультетдаги ўқув жараёнига хорижий олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари фаол жалб этилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги **уч ой муддатда** Нагоя ва Регенсбург университетлари ҳамда хорижий давлатларнинг бошқа олий таълим муассасалари, халқаро ташкилотлар вакиллари билан музокаралар ўтказсин ва уларнинг натижаларига кўра қуйидагилар тасдиқланишини таъминласин:

2020-2025 йилларда етакчи япон, немис ва бошқа чет эллик олимларнинг юридик фанлар бўйича **ўқув адабиётлари туркумини давлат тилига таржима қилиш ва чоп этишни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури**;

2021 — 2022 йилларда хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим муассасалари билан **профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви ҳамда стажировкаларни ташкил этиш жадвали**.

Белгилансинки, ушбу бандда кўзда тутилган тадбирларни бажариш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда ҳомийлар ва донорлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда Тошкент шаҳрида, инновацион ўқув жараёнини ташкил этиш учун зарур инфратузилмага эга **ТДЮУнинг замонавий кампусини** барпо этиш имкониятларини ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига асослантирилган таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб қуйидагиларни назарда тутувчи таклифлари маъқуллансин:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ТДЮУ магистратурасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (кейинги ўринларда — Давлат тест маркази) томонидан ўтказиладиган тест синовлари орқали қабул қилиш, базавий олий юридик маълумотга эга бўлган шахслар учун ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда масофавий, сиртқи ва кечки ўқитиш дастурларини жорий этиш;

базавий олий юридик маълумотга ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви марказий органларида юридик йўналиш бўйича камида беш йил иш стажига эга бўлган раҳбар ходимларни магистратурага ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда масофавий, сиртқи ва кечки ўқитиш дастурлари бўйича ўқиш учун қабулини тегишли давлат органининг биринчи раҳбари тавсиясига кўра, кириш тест синовларисиз, тўлов-контракт асосида ва қабул параметрларидан ташқари амалга ошириш;

“юриспруденция” йўналиши бўйича бакалавриатни имтиёзли тугатган битирувчиларни ТДЮУ магистратурасига тест синовларисиз, тўлов-контракт асосида, ўқиш қийматининг 50 фоизини тўлаб, қабул параметрларидан ташқари, ўқишни тугатгандан сўнг ТДЮУ, юридик факультетлар, юридик техникумлар ва ТДЮУ қошидаги лицейда камида уч йил узлуксиз ишлаш мажбуриятини юклаган ҳолда қабул қилиш тартибини жорий этиш;

ТДЮУ, юридик техникумлар ва ТДЮУ қошидаги академик лицейда пуллик асосда тайёрлов ва бошқа курсларни, ёзги ва қишки мактабларни, шу жумладан, чет эл фуқаролари учун ташкил этиш.

10. ТДЮУ ректорига бюджетдан ташқари (тўлов-контракт, шу жумладан, табақалаштирилган тўлов-контракт) маблағлар ҳисобидан:

хорижий мутахассисларни консультант, маърузачи ва ўқитувчи сифатида жалб этиб, уларга меҳнат бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи ва бошқа тўловларни белгилаш;

ТДЮУ бакалавриат, магистратураси истиқболли битирувчилари ва ходимларининг хорижий таълим ва илмий муассасалари магистратура ва докторантурасида ўқиши қиймати ва у билан боғлиқ харажатлар учун тўловларни, улар томонидан ўқишни тугатгандан сўнг ТДЮУда камида уч йил узлуксиз ишлаш мажбуриятини олиш шарти билан амалга ошириш;

ТДЮУ ва ТДЮУ қошидаги академик лицейнинг иқтидорли талаба ҳамда ўқувчиларига стипендия ва грантлар ажратиш ҳуқуқи берилсин.

11. ТДЮУ молиявий барқарорлиги ва таълим хизматлари бозорида талаб юқорилигини инобатга олиб, 2020 йил 1 январдан бошлаб ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, ТДЮУ ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган олий таълим муассасаларига берилган ҳуқуқлар билан бир қаторда қуйидагиларни ҳам **мустақил равишда амалга оширади**:

таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда ТДЮУ қошидаги академик лицейнинг ўқув-услубий жараёнини мувофиқлаштириш, унинг тузилмасини, ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, қабул параметрлари ва таълим йўналишларини белгилаш;

юридик техникумлар ва ТДЮУ қошидаги академик лицей педагог ходимларининг меҳнатини меъёрлаштириш;

хорижий олий таълим муассасалари билан тузилган келишувлар асосида қўшма таълим дастурларини амалга ошириш ҳамда **ТДЮУ**, юридик техникумлар ва ТДЮУ қошидаги академик лицейда **қўшма факультетлар ташкил этиш**;

ўқиш учун тўлов миқдорини ўрнатган ҳолда **ТДЮУ бакалавриат ва магистратурасига табақалаштирилган тўлов-контракт асосида қўшимча қабул параметрларини белгилаш**;

бакалавриат ва магистратурага қабул қилишда тест синовлари фанлари мажмуасини, шунингдек, ўқиш муддатлари ва талабалар томонидан ўқув машғулотларига қатнаш тартибини белгилаш;

ТДЮУ ва ТДЮУ қошидаги академик лицейда номутахассислик фанларни ўқитиш ва факультатив машғулотлар ўтказишни аутсорсинг шартларида ташкил этиш;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги барча турдаги, шу жумладан, ТДЮУ ва ТДЮУ қошидаги академик лицейнинг бино ва иншоотларини қуриш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича келишувларни тузиш ва амалга ошириш;

инновация ва илмий фаолиятни тижоратлаштириш ҳамда молиявий ресурсларни, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида жалб қилиш учун тижорат ва нотижорат ташкилотлар (стартап, жамғарма ва бошқалар) тузиш;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда молия йили учун ТДЮУ ва ТДЮУ қошидаги академик лицейнинг даромадлар ва харажатлар сметасини, штат жадвалини, бизнес-режасини тасдиқлаш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш, ходимларига иш ҳақини тўлаш тизими ва тартибини белгилаш.

12. **Тошкент давлат юридик университети фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси”** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги **уч ой муддатда**:

Коррупцияга қарши курашиш дастури, ходимлар ва талабалар (ўқувчилар)нинг одоб-ахлоқ кодексини, ходимларни коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида мурожаат қилиш ҳолатлари ҳақида хабардор қилишнинг шаффоф тартибини тасдиқлаш ҳамда **Коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссияни** тузиш;

ТДЮУни 2030 йилгача халқаро тан олинган ташкилотлар рейтингларидаги **энг яхши олий таълим муассасалари рўйхатига** киритиш, шунингдек, унинг миллий рейтингдаги ўрнини юксалтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси, Нотариал палата ва бошқа манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда **адвокатлар, нотариуслар, ФҲДЁ органлари ходимлари, юрисконсультлар** ва бошқа ходимлар **малакасини ошириш тизимини** замонавий талаблар ва халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда **такомиллаштириш** бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

доимий асосда чоп этиладиган **такриз бериладиган талабалар юридик журналини** таъсис этиш;

ТДЮУ қошида ТДЮУ ва юридик кадрлар тайёрловчи республиканинг бошқа олий таълим муассасалари талабаларини ихтиёрийлик асосида бирлаштирадиган **ёш юристлар жамоат бирлашмасини** ташкил этишга кўмаклашиш;

янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмалари туркумини амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотларни инобатга олиб, хорижий олимлар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда тайёрлаш, шунингдек, мамлакатдаги ислоҳотларнинг замонавий босқичи эҳтиёжлари ва илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда **ўқув режалари ва дастурларини янгилаш ва қайта кўриб чиқиш** бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишни таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Самарқанд, Наманган ва Термиз давлат университетларида юридик факультетлар фаолиятини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

юридик факультетларни юқори малакали, замонавий таълим шакл ва услубларини эгаллаган, илмий салоҳият ва амалий иш тажрибасига эга бўлган педагог кадрлар билан тўлдирилишини таъминласин;

юридик факультетларда ўқув жараёнини кредит-модуль тизими, замонавий таълим технологиялари, энг янги ахборот ва ўқув-лаборатория жиҳозларини кенг жорий этиш ва фойдаланиш асосида ташкил этсин;

юридик факультет ўқитувчиларининг ҳар йили Ўзбекистон ҳамда хорижий давлатларнинг етакчи таълим муассасаларида, илмий-тадқиқот марказларида, қонунчилик, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органларида стажировка ўташи бўйича дастурлар тайёрланиши ва амалга оширилишини таъминласин;

уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига юридик факультетларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича асослантирилган таклифлар киритсин.

Юридик факультетлар ташкил этилаётган олий таълим муассасалари ректорларига юридик факультетлар профессор-ўқитувчилари учун уларнинг аниқ иш натижаларини ҳисобга олган ҳолда, олий таълим муассасаларининг мазкур факультетларида талабалар ўқишидан тушадиган бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қўшимча устамалар белгилаш ҳуқуқи берилсин.

15. Белгилаб қўйилсинки:

а) 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб юридик техникумларда:

номутахассислик фанлар сони қисқартирилиб, ўқув жараёни кредит-модуль тизимини қўллаган ҳолда ташкил қилинади;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини қабул қилиш Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовлари орқали амалга оширилиб, табақалаштирилган тўлов-контракт асосида қўшимча қабул тартиби жорий этилади;

юридик техникумлар ва ТДЮУ қошидаги академик лицейнинг қўшма таълим дастурларини ҳамда қўшма факультетларини тугатгандан сўнг ўқишни давом эттирган шахсларга берилган хорижий таълим муассасаларининг белгиланган шаклдаги дипломлари (бакалавриат, магистратура) Ўзбекистон Республикасида қўшимча маъмурий тартиб-таомилларсиз олий таълим тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинади;

базавий олий юридик маълумотга эга, юридик техникумларда камида уч йил ишлаган педагог ва раҳбар ходимлар **ТДЮУ магистратурасига** кириш тест синовларисиз, тўлов-контракт асосида, қабул параметрларидан ташқари, ўқишни тугатгандан сўнг тақсимот бўйича адлия органлари ва муассасаларида, биринчи навбатда, юридик техникумларда камида **уч йил узлуксиз ишлаш мажбуриятини олган ҳолда**, кириш ҳуқуқига эга;

б) 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб ТДЮУ қошидаги академик лицейда қабул тартиби ва параметрлари, шунингдек, ўқиш учун тўлов миқдори ТДЮУ томонидан мустақил белгиланган ҳолда, тўлов-контракт, шу жумладан, табақалаштирилган тўлов-контракт асосида **қўшимча қабул тартиби жорий қилинади**;

в) 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб **ТДЮУ қошидаги академик лицейнинг барча фанлар бўйича юқори натижаларга эга битирувчилари ТДЮУга кириш тест синовларисиз, якка тартибда суҳбат ўтказиш орқали**, тўлов-контракт асосида, қабул параметрларидан ташқари **кириш ҳуқуқига эга**.

16. Белгилансинки:

“Ҳуқуқ” таълим соҳаси учун давлат таълим стандарти Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилади ва тасдиқланади;

ТДЮУ, юридик факультетлар ва юридик техникумлар **профессор-ўқитувчилари** ва бошқа ходимлари **вазирликлар ва идоралларнинг** ўқув, илмий тадқиқот, маънавий-маърифий фаолияти, шунингдек, шартномалар доирасида кўрсатиладиган хизматлардан ташқари **бошқа ишларга жалб этилиши мумкин эмас**;

асосий воситалар ва товар-моддий бойликларни сотиш, пуллик курсларни ташкил этиш ва бошқа турдаги хизматларни кўрсатишдан тушадиган барча маблағлар, ТДЮУ ва юридик техникумларнинг ривожлантириш жамғармаларида тўпланади, улар мазкур маблағларни мустақил равишда тасарруф қилади;

2020 йил 1 майдан бошлаб ТДЮУ, юридик техникумлар ва ТДЮУ қошидаги академик лицейнинг мол-мулкини ижарага беришдан келиб тушадиган маблағлар электрон савдо майдончаси оператори тўловини чегириб ташлаган ҳолда, тўлиқ ҳажмда мазкур муассасаларнинг ривожлантириш жамғармаларига ўтказилади;

ТДЮУга масофавий, сиртқи ва кечки ўқитиш шаклларини ташкил этиш ҳуқуқи берилади;

ТДЮУ олий таълим муассасаларининг тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушган маблағлари ҳисобидан шакллантириладиган жамғармаларга ўтказиладиган барча ажратмалардан озод қилинади.

17. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қуйидаги ваколатлар берилсин:

юридик техникумларда **тўлов-контракт асосида ўқиш қиймати ва уни тўлаш муддатларини**, шунингдек, табақалаштирилган тўлов-контракт бўйича қўшимча қабул параметрлари ва ўқиш қийматини **тасдиқлаш**;

ТДЮУ, юридик техникумлар ва ТДЮУ қошидаги академик лицейнинг маъмурий-бошқарув, ўқув-ёрдамчи, муҳандислик-техник, хизмат кўрсатиш ва бошқа ходимлари намунавий штатларини (нормативларини), шунингдек, юридик техникумлар тузилмасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

ТДЮУ, юридик техникумлар ва ТДЮУ қошидаги академик лицей ходимлари иш ҳақи миқдорларини бюджетдан ташқари (тўлов-контракт, шу жумладан, табақалаштирилган тўлов-контракт) маблағлар ҳисобига мазкур муассасаларнинг раҳбар ходимлари ва ўқитувчиларининг базавий лавозим маошларига тенглаштириш;

илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, юридик техникумларда ўқиш муддатлари ва шаклини белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимидаги таълим муассасаларининг йиллик ва бошқа молиявий ҳисоботларини муҳокама қилиш ва тасдиқлаш;

ТДЮУ ректори ва Кенгаши ваколатларини, шунингдек, юридик техникумлар ходимлари иш ҳақи тизими ва тартибини белгилаш;

адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Адлия вазирлиги тизимидаги таълим муассасаларининг **иқтидорли талабаларига (ўқувчиларига) стипендиялар ва грантлар**, шунингдек, адлия органлари ва муассасалари ходимларига хорижий таълим, илмий ва бошқа ташкилотларда ўқиш, стажировка ўташ ва улар билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун грантлар ажратиш.

18. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Адвокатлар палатаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

а) назарий тайёргарликнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан узвий боғлиқлигини таъминлашга қаратилган маърузалар, маҳорат дарслари ва ўқув семинарларини ўтказиш учун вазирлик ва идораларнинг амалиёт ходимларини жалб қилиш орқали ўқув жараёнини самарали ташкил этишда ТДЮУ ва юридик факультетларга доимий равишда ҳар томонлама кўмаклашсин;

б) уч ой муддатда:

ТДЮУ, юридик факультетлар ва юридик техникумларнинг педагоглар таркиби томонидан адвокатлик тузилмасида стажировкадан ўтмасдан ҳамда ТДЮУ, юридик факультетлар ва юридик техникумларда асосий иш жойи сақланган ҳолда адвокатлик фаолиятини амалга ошириш тартибини ўрнатиш бўйича таклифларни киритсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **амалий машғулот ва тадқиқотлар учун зарур шарт-шароитларни яратган ҳолда ТДЮУ ва юридик факультетлар кафедраларини ташкил қилишини таъминласин**;

ТДЮУ, юридик факультетлар ва юридик техникумларга ўз идораларидаги статистик, архив ва бошқа маълумотларга тўсиқсиз киришни (ахборотдан фойдаланиш қонун билан чекланган ҳоллар бундан мустасно), шунингдек, таълим тадбирларини ўтказиш имконини берувчи видеоконференцалоқа тизимига уланишни таъминласин.

19. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфида юридик кадрларни тайёрловчи таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўқишга қабул қилиш ва ўқув жараёнини ташкил этиш тартибини ушбу Фармон талабларини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш бўйича чораларни кўрсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда **Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Давлат ва ҳуқуқ институти фаолиятини** ташкил этиш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорини қабул қилсин.

21. **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги “Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–1990-сон қарори** ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

24. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 29 апрель

Биз ва жаҳон

АҚШнинг Халқаро диний эркинликлар бўйича комиссияси

Ўзбекистондаги ижобий ўзгаришларни эътироф этди

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг маълумотига кўра, 2020 йил 28 апрель куни АҚШнинг Халқаро диний эркинликлар бўйича комиссияси (USCIRF) 2019 йилда дунёда эътиқод эркинлиги ҳолати баҳоланган навбатдаги ҳисоботини эълон қилди.

Қайд этилишича, 2005 йилдан бери илк марта мазкур комиссия Давлат департаментига Ўзбекистонни “диний эркинликлар соҳасида алоҳида хавотир уйғотадиган давлатлар” (CPC) рўйхатига киритишни таклиф қилмади.

Ушбу қарор Ўзбекистондаги илгарилаш эътироф этилганини кўрсатди. Чунки Давлат департаменти 2018 йил декабрь ойида республикани “CPC”дан чиқарганига қарамай комиссия мамлакатни диний эркинликларни бузувчиларнинг “қора рўйхати”га киритилиши керак-лигини таъкидлаб келган.

“Бизни 2019 йилда баъзи ҳукуматлар, хусусан, икки давлат томонидан кўрилган ижобий чоралар ҳайратга солди, улар дин ва эътиқод эркинлиги учун янада хавфсиз муҳитни яратишда USCIRF билан яқин ҳамкорлик қилмоқда”, деди комиссия раиси Тони Перкинс. Комиссия раҳбари 2019 йилда “Ўзбекистон диний гуруҳлар учун кўпроқ эркинликни таъминлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда сезиларли илгарилашга эришгани”ни қайд этди.

Комиссия раиси ўринбосари Надин Маэнза ҳам “The Washington Post” нашрига интервьюсида шу бўйича баёнот берди. АҚШнинг етакчи нашрида эълон қилинган мақолада комиссия томонидан Ўзбекистондаги диний эркинликларни таъминлаш соҳасидаги илгарилаш юқори баҳолангани алоҳида таъкидланган.

Ҳужжатда Ўзбекистон эътиқод эркинлиги шароитларини яхшилаш борасида сезиларли чоралар кўргани айтилган. Президент Шавкат Мирзиёев даврида ҳукумат рўйхатдан ўтмасдан фаолият кўрсатаётган диний жамоаларга рейдлар уюштириш амалиётига чек қўйди. Август ойида “Жаслиқ” қамоқхонаси ёпилди. Ҳисоботнинг Ўзбекистонга бағишланган бўлимида “Ҳукумат эътиқод эркинлигини яхшилаш мақсадида АҚШ ва бошқа халқаро шериклар билан яқин ҳамкорликни ҳам давом эттирди”, дея кўрсатилган.

“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги янги қонунни қабул қилиш жараёнининг якунланмаганлигига ҳамда диний сабабларга кўра қамалганларни озод қилиш амалиётини давом эттиришнинг зарурлигига эътиборни қаратган ҳолда, комиссия ҳисоботда Ўзбекистонни “махсус кузатув рўйхати”да сақлаб қолишни тавсия қилаётир.

Эслатиб ўтиш жоизки, АҚШнинг Халқаро диний эркинликлар бўйича комиссияси вакиллари 2019 йил май ва сентябрь ойларида юритимизга ташриф буюрганди. Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси комиссия билан алоқа ўрнатган ҳамда доимий мулоқотда бўлиб турибди, ташкилот комиссионерлари ва экспертлари билан мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказмоқда.

«Халқ сўзи».

Туркий кенгашга аъзо давлатларнинг АҚШдаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари навбатдан ташқари саммит натижаларини муҳокама қилди

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши (ТТДҲК)га аъзо мамлакатларнинг Америка Қўшма Штатларида аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари ташкилотнинг жорий йил 10 апрель куни бўлиб ўтган навбатдан ташқари саммити натижаларини муҳокама қилиш учун онлайн-маслаҳатлашувлар ўтказди.

Учрашувда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши бош котиби Бағдат Амреев, Озарбайжон элчиси Элин Сулейманов, Туркия элчиси Сердар Килич, Қозоғистон элчиси Ержан Казиханов, Қирғизистон элчиси Болот Отунбаев, Ўзбекистон элчиси Жавлон Ваҳобов ва Туркманистон дипломатик миссияси раҳбари Мерет Оразов иштирок этди.

Тадбирда ТТДҲКнинг навбатдан ташқари саммити давлат раҳбарлари даражасида COVID-19га қарши курашиш масаласи муҳокама қилинган дунёдаги биринчи онлайн платформа бўлгани таъкидланди.

Мулоқотда коронавирусга қарши кураш ва пандемиянинг иқтисодий оқибатларини юмшатиш бўйича Ўзбекистонда амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида батафсил маълумот тақдим этилди.

Онлайн учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан саммит доирасида илгари сурилган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан шериклик алоқаларини кенгайтириш, эпидемиологик мониторинг тизимини йўлга қўйиш, эпидемиологлар ва бошқа мутахассислар иштирокида соғлиқни сақлаш вазирликлари ўртасида тажриба ва тадқиқотлар натижаларини алмашиш учун онлайн-маслаҳатлашувларни ташкил этиш, пандемия мувофиқлаштириш гуруҳи ва алоҳида маълумотлар базаси, шунингдек, маҳсулотлар ва юкларнинг узлуксиз таъминотини амалга ошириш учун давлатларнинг транспорт вазирлари раҳбарлигида ишчи гуруҳ тузиш каби ташаббусларни тезкорлик билан амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Маслаҳатлашувлар чоғида ТТДҲК бош котиби ташкилотнинг кун тартибидаги устувор масалалар ва давлат раҳбарларининг навбатдан ташқари саммитда илгари сурган ташаббусларини амалга ошириш борасида ташкилот котибияти саъй-ҳаракатлари тўғрисида маълумот берди.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш учун COVID-19 пандемиясининг оқибатларини юмшатиш, эпидемиологик мониторинг механизмларини яратиш, маълумотлар алмашинуви ва тиббий тадқиқотлар натижалари, қолаверса, халқаро йўлаклар орқали маҳсулот ва юкларни, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотларини узлуксиз етказиб бериш бўйича ўзаро фикр алмашилди.

Бағдат Амреев Ўзбекистоннинг Кенгашга тўлақонли аъзо бўлиб кириши ва Будапештда ташкилотнинг Европа ваколатхонаси очилиши тузилманинг биринчи ўн йиллик босқичи якунланганини, унинг кенгайиши ва чуқур интеграцияси учун замин яратганини таъкидлади.

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан Туркий кенгаш ўртасида шериклик ўрнатиш ҳақидаги таклифи ўз вақтида илгари сурилгани билан муҳим аҳамиятга эга, — деди ташкилот раҳбари.

Унинг сўзларига кўра, ушбу ташаббусни амалга ошириш учун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директори Тедрос Гебрейесусга икки ташкилот ўртасида тегишли ҳамкорлик меморандумини имзолаш таклиф қилинди. Бундан ташқари, навбатдан ташқари саммит давомида давлат раҳбарлари томонидан қўйилган вазифаларни амалга ошириш йўлларини муҳокама қилиш учун соғлиқни сақлаш ва транспорт вазирлари, шунингдек, Туркий кенгашга аъзо давлатлар миграция хизматлари раҳбарларининг видеоконференциялари ўтказилади.

Интернет орқали ташкил қилинган учрашув якунлари бўйича Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши бош котиби Бағдат Амреевнинг дунёда эпидемиологик вазиятни барқарорлаштириш чора-тадбирлари доирасида АҚШга ташрифини ташкил эт

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

«Прописка» умуман истеъмолдан чиқарилади, чекловлар эса бекор бўлади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида депутатлар бир неча йиллардан бери кўпчиликни қийнаб келган оғриқли масалага нуқта қўйишди.

Қонунчилик палатасида кўриб чиқилган "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ана шу масаланинг ечимига қаратилган.

Президентимиз 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида прописка масаласига алоҳида тўхталиб, уни адолатли ҳал қилиш зарурлигини қайд этган эди.

Қонун лойиҳаси мавжуд муаммо ва камчиликларни, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тартибга солинадиган қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни бартараф этишни назарда тутгани билан аҳамиятлидир.

Хўш, қонун лойиҳасида қандай янгиликлар ўз ифодасини топган?

Қайд этилганидек, энг аввало, "прописка" сўзи фуқаролар онгида "тўсқинлик қилувчи", "бир жойга боғловчи", "эркинликни чекловчи" деган тушунчалар сифатида муҳрланиб қолганлиги муносабати билан "доимий прописка" сўзлари "яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш" сўзларига алмаштирилмоқда. Бу бежиз эмас. Чунки ҳозирги вақтда ривожланган давлатларда аҳоли ички миграциясида пойтахт ва унинг атрофидаги ҳудудларга нисбатан алоҳида талаб ва қоидалар ҳамда прописка институти мавжуд эмас.

Бундан ташқари, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда фуқароларга нафақат биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлари яшаб турган манзилга, балки уларнинг эгалигида бўлган уй-жой майдонига ҳам доимий рўйхатга туриш имконияти берилмоқда.

Айни пайтнинг ўзида эр-хотиннинг никоҳдан кейин бир йил давомида биргаликда яшаш шарти ва бир йил ичида никоҳ бекор қилинган тақдирда пропискани йўқотишига доир қоидалар бекор қилиняпти. Қолаверса, эр-хотинга улар никоҳдан ўтган куннинг ўзида яшаш жойи бўйича доимий рўйхатга қўйиш ҳуқуқи берилмоқда.

Давлат ҳокимияти органларида, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида ҳамда бошқа давлат ташкилотларида узлуксиз беш йил ва ундан ортиқ бўлган давр мобайнида меҳнат фаолиятини олиб бораётган ходимлар (техник, хизмат кўрсатувчи ва ишлаб чиқариш ходимларидан ташқари) тегишли орган ёки ташкилот раҳбарининг маълумотномасига кўра, шунингдек, уларнинг оила аъзоларига доимий рўйхатга туриш бўйича янги банд киритилмоқда.

Шу ва бошқа муҳим жиҳатларни ўз ичига олган қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Энди давлат божини ҳамма тенг тўлайди

Парламент қуйи палатаси мажлисида, шунингдек, "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Муҳокамалар қутилганидек қизғин кечди.

Масала бир неча йиллардан бери қизғин мунозараларга сабаб бўлаётган прописка ва ички миграцияга таллуқли эканлиги кўпчиликда қизиқишни кучайтирди.

Таклиф этилаётган лойиҳага кўра, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи ва республиканинг бошқа минтақаларида доимий пропискага эга бўлган мамлакатимиз фуқаролари томонидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги янги қурилган уйлардан уй сотиб олгани учун тўланадиган давлат божининг алоҳида юқори ставкаси бекор қилинмоқда.

Сир эмас, ҳозирги вақтда нотариал амалиётда, хусусан, битимларни тасдиқлаганлик ва мерос ишларини расмийлаштирганлик учун давлат божини ундиришда ёки давлат божини тўлашдан озод қилишда айрим тафовутлар мавжуд.

Халқ вакилларининг фикрича, ушбу лойиҳа билан давлат божидан озод қилиш, давлат божини ундиришнинг ўзига хос хусусиятларига аниқлаштирувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилаётгани эътиборга молик.

Нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун ундириладиган айрим тўловлар миқдорининг дифференциал тарзда ҳисоблаб чиқариш тартиби уларни ундиришда тафовутлар келиб чиқишига сабаб бўлаётганини кўриш мумкин.

Шу боис мазкур лойиҳа билан бир қатор нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун белгиланган давлат божи миқдорларининг ставкалари оптималлаштирилмоқда.

Депутатлар қайд этганидек, ушбу лойиҳанинг қабул қилиниши билан давлат божи ставкалари оптималлаштирилади, давлат божини ундиришнинг ўзига хос хусусиятлари аниқлаштирилади.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА
(«Халқ сўзи»).

Қишлоқ хўжалигига ихтисослаштирилган телеканал очиш айни муддаодир

Бугун дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган энг муҳим масала — коронавирус пандемияси сабабли юзага келиши мумкин бўлган озиқ-овқат хавфсизлиги ва таъминоти масаласидир. Ҳозирги мураккаб даврда мамлакатимизда бу борада аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Таклиф

Албатта, озиқ-овқат танқислиги масаласи қишлоқ хўжалиги соҳаси билан чамбарчас боғлиқ. Кейинги йилларда аграр соҳани тубдан ислоҳ қилиш ва уни бозор талабларига мослаштириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Давлат томонидан ғалла ва пахтага давлат буюртмасининг бекор қилиниши, мутлақо янги кластер тизими жорий этилиб, соҳага инновацион технологияларнинг кириб келиши фикримиз исботидир.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш, ёшларимизнинг ушбу соҳага қизиқишини орттириш ва аҳолининг бу борадаги билим ва кўникмаларини юксалтириш бугун ҳар қачонгидан долзарб. Бунинг учун Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигига ихтисослаштирилган давлат тилида эфирга узатиладиган миллий телеканал фаолиятини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

ЯИМнинг 20 фоизини ташкил этадиган соҳа учун алоҳида телеканал фаолиятининг йўлга қўйилиши — юқоридаги муаммоли масалаларга ўзига хос ечим бўлади ҳамда ўзининг ижобий самарасини беради.

Бу борада хориж тажрибасига қарайдиган бўлсак, қишлоқ хўжалиги ривожланган давлатларнинг барчасида ушбу соҳага ихтисослаштирилган телеканаллар муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда. Масалан, Россияда "АгроТВ", "СельскоеТВ", Украинда "Farmer&Agro TV", Ҳиндистонда "Green TV India", Европада "The Farm Chanell" ва ҳоказо.

Тўғри, бугун бизнинг марказий телевидениеда қишлоқ хўжалигига оид кўрсатувлар тайёрланмоқда, интернет контентида ҳам анча маълумотларни топиш мумкин. Лекин тан олиб айтиш жоизки, уларнинг сифати ҳам, қамраб олиш даражаси ҳам талаб даражасида эмас.

Хўш, бундай телеканал фаолияти бизга нима беради?

Биринчидан, қишлоқ хўжалигининг томорқачилик, боғдорчилик, асаларичилик, балиқчилик ва бошқа соҳаларига оид йўналишлари бўйича маҳсулотларни экишдан бошлаб, етиштиргунга қадар бўлган барча жараённи қамраб олган туркум кўрсатувлар, масофавий таълим (пандемия бизга буни амалга ошириш имкони борлигини исботлади), яъни назария ва амалиётни уйғунликда олиб бориш, соҳадаги илғор хорижий тажрибаларни етказиш орқали ёшларимизнинг қишлоқ хўжалиги соҳасига бўлган қизиқиши, соҳада фаолият олиб бораётган қишлоқ хўжалиги ходимларининг билим ва кўникмалари оширилади.

Иккинчидан, малакали агрономлар, мутахассис кадрлар тақчиллиги кузатилаётган даврда минглаб аудиторияга муайян соҳада (уруғ танлаш, зараркунандаларга қарши курашиш, ҳосилдорликни ошириш...) бепул маслаҳатлар, консальтинглар тақдим этилади. Аҳоли ўзининг кўплаб саволларига жавоб топиши мумкин бўлади. Мулоқот учун платформа юзага келади.

Учинчидан, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида яратилган инновацион технологиялар, ғояларни амалиётга жорий этиш, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги корхона ва ташкилотлар ўртасидаги кооперацияни ривожлантириш учун ўзига хос савдо майдончасини пайдо этади.

Дарҳақиқат, Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида шундай телеканал фаолиятига асос солиш халқимиз учун айни муддао бўлар эди. Хўш, сиз бунга нима дейсиз?

Нодирбек ТИЛАВОЛДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

Рамазон ойида қилинадиган хайрли амалларнинг аҳамияти янада юксак

Бугунги синовли кунлар жонажон Ўзбекистонимизнинг ҳар жиҳатдан қудратли эканини, халқимиз орасида бир-бирини суяш, меҳр-оқибат кўрсатиш, деган тушунчалар бебаҳо қадрият сифатида улуғланишини янада яққолроқ намоён қилмоқда. Айниқса, "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракатининг йўлга қўйилиши кўплаб эзгу ишларга қўшимча туртки берди.

Маҳаллий Кенгашларда

Аслида бу борадаги саъй-ҳаракатлар аллақачон бошланиб кетганди. Масалан, вақтинча ишламаётганлар ва ёрдамга муҳтожларни аниқлаш, уларга кўмак беришда маҳалла институти, нодавлат ва давлат ташкилотлари томонидан қатор ибратли ишлар қилинаётганидан хабаримиз бор. "Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоатчилик фонди ташкил этилгани, Хайрияларни мувофиқлаштириш маркази фаолияти йўлга қўйилгани ҳам диққатга сазовор.

Маълумки, саховатпеша инсон хайр-саховат қилар экан, бундан, аввало, ўзининг қалби шодликка тўлади. Бу эзгу одат халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Давлатимиз раҳбари ташаббусидан кейин бу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар кўлами янада ортди. Президентимизнинг "*...муқаддас ойда ҳар бир тадбиркор ўзи фаолият юритаётган ҳудудда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини, аввало, маҳалладошлари, кўни-кўшниларини фаол қўллаб-қувватлаши мақсадга мувофиқ*", деган фикри биз, маҳаллий Кенгашлар депутатларига ҳам, тадбиркорлар, йирик ташкилотлар раҳбарларига ҳам ўзига хос дастур вазифасини ўтаяпти.

Аниқ айтадиган бўлсак, биз, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳамкорларимиз билан биргаликда Рамазон ойида амалга оширилаётган хайриялар манзилли бўлишига, ифторликлар учун сарфланадиган маблағ ва озиқ-овқат маҳсулотларининг аҳолининг кам таъминланган қатламларига йўналтирилишига эришяпмиз. Зеро, эҳтиёжмандларга кўмак бериш ҳам қарз, ҳам фарз. Бошқача айтганда, Рамазон ойида қилинадиган хайрли амалларнинг аҳамияти янада юксакдир.

Нодира КАРИМОВА,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати.

Сенатор мушоҳадаси

Юзма-юз мулоқот барчамизга катта таскин берди

Халқимиз бугун мураккаб кунларни бошдан кечирмоқда. Бир томондан коронавирус пандемияси, бошқа тарафдан эса табиий офат барчамизни синовдан ўтказяпти.

Маълумки, 27 апрель куни республикамиз ҳудудига кучли шамол кириб келиб, Бухоро, Навоий, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида сониясига 9 — 40 метр тезликкача кўтарилди. Оқибатда бир нечта фуқаро жароҳатланди, бир киши ҳаётдан кўз юмди. Табиийки, уй-жойлар, автотранспорт воситалари ва экин майдонларига ҳам зарар етди.

Куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев шахсан ўзи зудлик билан вилоятимиз, шу жумладан, табиий офатдан катта зарар кўрган Олот ва Қоракўл туманларига ташриф буюриб, мавжуд ҳолатни кўздан кечирди.

Олот тумани марказида аҳоли вакиллари ва фаоллар билан учрашиб, юзма-юз мулоқот қилгани барчамизга катта таскин берди. Одамларда тез кунларда талафотлар оқибатлари бартараф этилишига катта ишонч пайдо бўлди.

Шу ўринда айтиш жоизки, рўй берган табиат ҳодисаси оқибатларини бартараф этиш мақсадида махсус штаб тузилди. Ҳозирги кунда барча қурилиш материаллари келтирилиб, ишлар жадал олиб борилмоқда. Албатта, мазкур жараёнда карантин қоидаларига қатъий амал қилинаётир.

Бундан ташқари, "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати доирасида ана шу талафот оқибатларини бартараф этиш мақсадида 2 миллиард сўм пул ўтказиб бердик. Негаки, биз, тадбиркорлар шу синовли кунларда томошабин бўлиб ўтирсак ярашмайди. Ишонамизки, давлатимизнинг саъй-ҳаракати ҳамда халқимизнинг ҳамжиҳатлиги туфайли ушбу синовлардан ҳам ёруғ юз билан ўтиб оламиз. Тез кунларда ҳудудимиз аввалгидан ҳам кўркам қиёфага киради.

Нурмуҳаммад ОЧИЛОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Ғамхўрликка ўз меҳнатимиз билан жавоб қайтарамиз

Табиий офат туфайли халқимиз иродаси, иноқлиги яна бир бор намоён бўлди. Мазкур ҳолат юзасидан тузилган тезкор штаб маълумотига қараганда, Бухоро вилояти бўйича жуда катта иқтисодий ва маънавий зарар кўрилган.

Жумладан, мактабгача таълим объектлари, кўп қаватли уй-жойлар, якка тартибдаги аҳоли уй-жойлари, нотураржой объектларининг том қисми ҳамда эшик ва ромларига жиддий зиён етган. Шунингдек, табиий газ, электр энергияси таъминотида узилиш ва авария ҳолатлари қайд қилинди.

Президентимиз одамлар аҳволидан хабар олиш учун тезда Бухорога етиб келди. Олот тумани марказида кечган учрашувда аҳолига ҳар томонлама кўмаклашиш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт тармоқлари, жамоат хавфсизлиги бўйича тезкор чора-тадбирлар белгиланди.

Бу ҳолат биз, бухороликларни жуда тўлқинлантирди, ҳар қандай шароитда ҳам орқамизда тоғдек ҳимоячимиз борлигига яна бир карра амин бўлдик. Бунга жавобан вилоят аҳли янада жипслашиб, пандемия билан бирга, ушбу табиий офат оқибатларини бартараф этиш йўлида астойдил ишлашга аҳд қилди.

Абира ҲУСЕЙНОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Саховатпеша юртдошларимиз кўп

Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятида ҳар инсоннинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш ғояси мужассам. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасини эсга олайлик. Унда илк бор камбағаллик масаласи тилга олинди ва уни қисқартиришга оид ташаббус илгари сурилди.

Сабаби бу эзгу ғоя минглаб оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилашга қаратилиб, келгусида уларнинг фаровон, бахтли ҳаёт кечиришига асос бўлади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига ёрдам бериш, иш билан таъминлаш, уларга эътиборли бўлиш дунё миқёсида пандемия кенг тарқалган ҳозирги шароитда янада муҳим.

Айниқса, аҳолининг кўмакка муҳтож қатламини аниқ, манзилли асосда қўллаб-қувватлаш мақсадида "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракатининг йўлга қўйилиши катта воқеа бўлди. Шу боис ушбу ташаббусни халқимиз ва жамоатчилик кўтаринки руҳда кутиб олди. Эътибор қилган бўлсангиз, Юртбошимиз Алишер Навоий бобомизнинг "Саховатли инсоннинг бошига жаннат дарахтлари соя солади", деган ҳикматли сўзларига суяниб, бу савобли ишга муносиб ҳисса қўшаётган барча ватандошларимиз ва саховатли тадбиркорларга муқаддас китобларда айтилган: "Яхшиликнинг мукофоти — фақат яхшиликдир", деган гапни яна бир бор эслатиб ўтди.

Табиийки, бу саъй-ҳаракатлар беиз кетмади. Бугун ана шу ташаббусга "лаббай" деб жавоб бераётган инсонлар кўпайиб боряпти. Тадбиркорлар ва саховатпеша юртдошларимиз "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракатида фаол иштирок этиб, бундай эзгу ишлар халқимиз табиатида мужассам эканлигини амалда яққол намоён этмоқда.

Ботир МАТМУРАТОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси.

Аҳоли бандлиги:

РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ НОРМАЛАР, МИҚДОРИ ОШИРИЛАЁТГАН СУБСИДИЯЛАР

Ҳозирги кунда мамлакатимизда карантин туфайли 196 мингта корхонада ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажми кескин камайган. Карантин туфайли, табиийки, ишсизлар сони ҳам ошган. Давлатимиз раҳбари томонидан тезкор қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, амалий саъй-ҳаракатлар натижасида ушбу мураккаб даврда ишсиз ҳамда вақтинча ишини йўқотган, хорижга ишлаш учун кета олмаган ва ишга жойлашиш истагида бўлган 120 мингдан зиёд фуқаролар қатор соҳалар бўйича жамоат юмушларига жалб этилди.

Янги қонун

Бандлик масаласи ҳар қачонгидандa долзарб бўлиб турган шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ялпи мажлисида депутатлар томонидан "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги қонун қабул қилингани долзарб аҳамиятга эгадир.

Хўш, уни қабул қилиш жараёнларида қандай ишлар амалга оширилди? Мазкур ҳужжатнинг амалдаги "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонундан фарқи нимада?

Қайд этиш жоиз, амалдаги — 35 моддадан иборат "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунда *(1998 йилда қабул қилинган)* меҳнат бозорининг ҳозирги ҳолати тўлиқ акс эттирилмаган, меҳнат ва бандлик соҳасидаги бугунги муаммолар ҳамда долзарб масалаларни ҳал қилиш ўз ифодасини топмаганди.

Сўнгги 22 йил ичида меҳнат бозорида қатор жиддий ўзгаришлар рўй берди, хусусан, иш билан банд бўлганлар сони 1,5 баробар *(8,8 млн.дан 13,5 млн.гача)*, иш берувчилар сони 4,5 баробар *(203,2 мингдан 928,9 минггача)* ошди.

Эътиборли жиҳати шундаки, "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги қонун амалдаги 3 та қонун, Президентимизнинг 12 та Фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг бандлик ва меҳнат бозорини тартибга солиш, ташқи меҳнат миграцияси билан боғлиқ масалаларга оид қабул қилган 40 дан зиёд меъёрий ҳужжатларида кўзда тутилган ҳуқуқий нормаларни, тизимдаги сўнгги ислоҳотларни, янги молиявий механизмларни ўзида жамлаган.

Қонунни қабул қилиш жараёнида хориж давлатларининг бандлик ҳамда ишга жойлаштиришга оид қонунчилик тажрибаси ҳар томонлама ўрганилди ва қиёсий таҳлиллар қилинди.

Республика ҳудудларида иш берувчилар, соҳа ходимлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари иштирокида лойиҳа муҳокамасига бағишлаб ўтказилган жамоатчилик муҳокамаларида, қолаверса, Қонунчилик палатасида фракцияларо дебатларда тушган таклифлар ишчи гуруҳи томонидан таҳлил қилинди ва айрим таклифлар инобатга олинди.

Мазкур қонунда амалдагисида мавжуд бўлмаган бир қатор янги тушунчалар алоҳида моддада берилган. Ўзини ўзи иш билан банд қилиш, "Ягона миллий меҳнат тизими" идоралараро дастурий комплекси, касбий малака, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими, малакани баҳолаш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Қонунда белгиланганидек, меҳнат органлари билан тузилган шартномалар асосида аҳолини ишга жойлаштиришга кўмаклашишга доир ишни бажарувчи жисмоний шахслар, яъни ишга жойлаштирувчи агентлар амалиётга киритилмоқда.

Уларга ишсиз аҳолини ишга жойлаштиришда кўмаклашганлиги учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан белгиланган миқдорда рағбатлантирувчи хусусиятга эга тўловлар амалга оширилади.

Амалдаги қонунда бўлмаган ишсиз шахсларни ва иш қидираётган шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш аҳоли бандлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Сабаби аксарият ишсиз фуқароларнинг кўпчилиги маълум бир касбга эга эмаслиги улар ишга жойлашишида қийинчиликларни туғдирар эди. Ишсиз шахсларни ҳамда иш қидираётган шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, касб-ҳунарга ўқитишга давлат буюртмаси каби масалалар қатор моддаларда очиб берилмоқда.

Ишсизлик нафақаси ишсиз шахснинг аввалги иш жойидаги охирги бир йилдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоизда белгиланади. Бошқа ҳолларда эса ишсизлик нафақаси қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига *(679330 сўм)* нисбатан фоизда белгиланадиган бўлди *(Ҳозирги кунга қадар бу базавий ҳисоблаш миқдорига (223000 сўм) нисбатан фоизда белгиланган).* Бу эса, ўз навбатида, ишсизлик нафақаси сезиларли даражада ошишига сабаб бўлади. Мисол учун, ишсизлик нафақаси илгари ишламаган ва биринчи марта иш қидираётган шахслар учун бугунги кунда 180 224 сўм бўлса, эндиликда бу 509 492 сўмни *(меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 75 фоизи)* ташкил қилади.

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг маблағлари ҳисобидан бериладиган молиявий ёрдам — субсидиялар, ажратиладиган пул маблағлари ва моддий ресурслар — грантларнинг кимлар ва нима мақсадларда берилишига оид нормалар алоҳида моддаларда, амалиётда тўғридан-тўғри ишлайдиган тарзида белгилаб берилмоқда.

Президентимизнинг коронавирус пандемияси шароитида аҳоли бандлиги масаласида ўтказган видеоселектор йиғилишида берган топшириқларига асосан субсидиялар миқдори оширилянти.

Қонуннинг 19-моддасига кўра, жисмоний шахсларга енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш учун ажратиладиган субсидиялар миқдори — базавий ҳисоблаш миқдорининг *(223.000 сўм)* ўттиз бараваригача, уруғликлар, кўчатлар олиш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваригача, суғориш воситалари харид қилиш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваригача миқдорда оширилмоқда. Бу эса сайлов округимиздаги кўп сонли фуқароларимизнинг субсидиялар миқдорини ошириш масаласида бизга қилган мурожаатларини ҳам қонуний ҳал этиш имконини берди.

Мазкур масала, яъни кўрсатилаётган беғараз ёрдам, айнан бугунги вазиятда аҳолимизни ўз томорқаларидан янада унумли фойдаланишлари учун катта имкониятлар яратади.

Шу билан бирга, ҳужжатда ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича қўшимча кафолатлар алоҳида моддаларда очиб берилмоқда.

Иш берувчиларни рағбатлантириш механизмлари аниқ нормаларда берилаётгани эътиборга молик. Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг маблағлари ҳисобидан субсидиялар иш берувчиларга меҳнат органларининг йўлланмаси бўйича ишга қабул қилинган ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга доир харажатларнинг ўрнини қоплаш учун — ҳар бир ходимга 6 ой давомида ҳар ой меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,5 баравари миқдорида ажратилади. Иш берувчи субсидия олиш учун, албатта, меҳнат органига мурожаат этиши керак.

Хорижда меҳнат фаолиятини олиб бораётган фуқароларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари амалдаги қонунда берилмаган эди. Янги қонуннинг алоҳида бобида фуқароларнинг чет элларда ишлаш ҳуқуқи, чет элда ишлаш тартиби, меҳнат мигрантларининг кенг қамровли маълумотлар базасини шакллантириш, уларнинг кетишдан олдинги тайёргарлиги, мониторинги, моддий ва ижтимоий ҳимояси каби бандликнинг комплекс масалалари акс эттирилган.

Умуман айтганда, бугунги кунда ўта долзарб бўлиб турган бандлик соҳасидаги муаммоларни ҳал қилишда мазкур ҳужжат ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Мавлудахон ХЎЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси.

Матонатли бухороликларнинг куч-қудрати, аҳиллиги жўш ургай

1

Синовлар бизни янада жипслаштирди

Бирдан мана шундай табиий офат пайдо бўлиб, кутилмаганда кўп объектларга, хонадонларга зарар етказди. Аҳоли уй-жойини таъмирлаш учун маблағни қаердан олишини ўйлаб, хавотир ва саросимага тушиб турган пайтда Президентимизнинг ташриф буюргани, вазиятни ўз кўзи билан кўриб, аҳолимиз билан учрашгани барча-барча бухороликлар руҳини тоғдек кўтариб юборди.

Учрашувда ҳар бир фуқаро, ҳар бир хонадон Юртбошимизнинг эътибори ва қўллаб-қувватлаши остида эканлигимизни эшитиб, беҳад қувониб кетдик. Бу синовлар бизни янада аҳил, жипслашиб, бирдамликда меҳнат қилишга ўргатди. Тез орада юртимиздаги янгиланишлар, бунёдкорликлар ўз изига тушиб кетишига ишонамиз.

Кучли шамол таъсиридан зарарланган бино ва иншоотлар, аҳоли уй жойларини таъмирлаш ҳамда тиклаш ишлари бошланиб кетди. Зарур бўлган барча қурилиш ашёлари келтирилиб, техникалар сафарбар этилган. Гўё қайтадан қурилиш майдонига айланиб кетгандек туюлади. Бу жараёнда одамларнинг якдиллиги, бир-бирини қўллаб-қувватлаши, қўшқанот бўлмоқда. Ҳадемай ҳаммаси кўркам ҳолатга келиши, шубҳасиз.

Меҳмон ҚАНДОВ,
меҳнат фахрийси.

Президентимизнинг ташрифи руҳимизни тоғдек кўтариб юборди

Президентимиз вилоятимизга етиб келгани заҳоти табиат ҳодисаси келтирган талафотларни кўздан кечирди. Сўнгра масъуллар, маҳаллалар раислари билан бирма-бир гаплашиб, аҳолимиз саросимага тушмаслигини, бунинг учун давлатимиз қўллаб-қувватлашини алоҳида таъкидлади.

Биз Юртбошимизнинг ҳар бир сўзини маҳаллаларда халқимизга етказдик. Одамлар яхши кайфият билан кутиб олди. Жуда кўтаринки руҳда ишлар бошланиб кетди. Халқимиз янада бирлашди, аҳиллашди.

Мен шунда бир нарсага ишонч ҳосил қилдим: элимизнинг иродаси метин, эртанги яхши кунларга ишончи мустаҳкам экан. Айрим юртдошларимизнинг “Биздан хавотир олманг, оқсоқол. Ўзингизни асранг. Сиздай пиру бадавлат отахонлар дуо қилиб туришса, бас. Насиб қилса, уйимизни, маҳалламизни аввалгидан ўн карра обод қиламиз”, деган сўзларини эшитиб, кўнглимиз таскин топяпти. Халқимизнинг аҳиллигига, бирдамлигига, ҳамжиҳатлигига кўз тегмасин.

Саидқули ОҚҚИЕВ,
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг Олот тумани бўлими фаоли.

«Мен учун ҳар бир оила азиз»

Маҳалламиз ҳудудида 900 дан зиёд оилалар истиқомат қилади. Хонадонлар ҳолидан хабар олиш, оилалардаги маънавий муҳитни, турли долзарб масалаларни ўрганиш одамлар ишончини қозонишнинг, улар кайфияти, руҳиятига ижобий таъсир ўтказишнинг асосий омилидир. Фаоллар билан хонадонларга кириб, одамлардан ҳол-аҳвол сўрайлик десак, фуқароларимизнинг ҳали тонг отмай турибоқ ён-атрофни тартибга келтиришаётганини кўриб, кўнглим ёришиб кетди. Халқимизда “Одам одамнинг ойнаси”, “Одам дардини одам олади”, “Одам одам билан тирик” каби ибратли сўзлар бор. Буларни яратган халқнинг бугунги истиқболи ҳам шунга мувофиқ бўлиши табиийдир. Давлатимиз раҳбарининг биз билан учрашиб, “Ҳар бир маҳалла, ҳар бир оила мен учун азиз. Асло хавотирга тушманглар. Ҳаммасини янгилатиб берамиз”, деган сўзлари халқимизни тўлқинлантириб юборди. Айни пайтда биз Президентимиз тавсияларига кўра, карантин қоидаларига амал қилган ҳолда уйма-уй юриб, ҳар бир фуқаро билан учрашяпмиз, зарур ёрдамларни кўрсатмоқдамиз. Юртбошимизнинг юракдан чиқариб айтган ҳар бир сўзини одамлар онгу шуурига етказяпмиз. Зотан, эртанги кунга катта ишонч ва шукроналик билан мўътабар Рамазон ойини ўтказаётган халқимизнинг ёнида мардонавор туриб, чуноли сингари ҳиммат камарини ҳар биримиз белимизга боғласак, албатта, бу оғир ва синовли кунларни енгиб ўтамиз!

Файзулла БЕБУТОВ,
Қорақўл туманидаги “Қозон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Инсон иродаси синаладиган палла

Кутилмаганда келган ташвишнинг аввалида дилимизга бостириб кирган хавотиру таҳликалар тезда чекиниб, ўрнини халқимизга хос интизом, саристалик, аҳиллик ва бирдамлик эгаллади. Юртбошимизнинг сўзларини телевизор орқали тинглаб, шу юртда туғилиб ўсганимга шукроналар қилдим. Қаранг, дунёда пандемия балоси тарқади-ю давлатимиз ҳар бир фуқаронинг ғамини ейишга киришди. Бу барчанинг хавфсизлиги учун олиб борилаётган жуда катта машаққат, маблағ, керак бўлса айрим инсонларнинг фидойилиги ва жасорати эвазига амалга оширилаётир. Табиатнинг мана бу инжиқлиги пайтида ҳам яна бизга давлатимиз таянч бўлмоқда. Ташвишимизни қиляпти. Шундай экан, саросимага ўрин йўқ. Кўп йиллик тажрибага эга педагог сифатида шуни яхши биламанки, биз табиатан сабр-матонатли халқмиз. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун қадимий Пойкент музейини томоша қилишнинг ўзи кифоя. Демак, сабр-тоқатли, қатъиятли бўлсак, бугунги синовли кунлар ҳар биримиздан фидойиликни талаб қилишини унутмасак, бас.

Файласуфлардан бири “Нечоғли метин бўлмасин дунёда инсон иродаси ва тафаккурига қарши тура оладиган девор йўқ”, дегани бежиз эмас.

Дарҳақиқат, шундай синовли кунларда ҳар бир киши, ҳамма — кимдир иш ўрнида, кимдир уйда қолиб, ўз вазифасини сидқидилдан, юксак савияда бажаришда давом этавериши керак. Бу қийин дамлар, албатта, ўтиб кетади.

Гулчеҳра РЎЗИЕВА,
Олот туманидаги Пахтакор маҳалласида яшовчи тажрибали педагог.

...Бугун табиий офатдан зарар кўрган Олот ва Қорақўл туманларида шундай манзаранинг гувоҳи бўлиш мумкин: ҳаёт яна ўз ўзанига тушди. Одамлар тинч-осойишта турмуш кечиряпти. Қурилиш-таъмирлаш, ободончилик ишлари кун эмас, соат сайин қизимоқда. Қурувчиларнинг қўли қўлига тегмайди, демак, ҳаял ўтмай талафот оқибатларидан асар ҳам қолмаслиги турган гап. Барча юмушни вилоят ҳокимлиги томонидан тузилган штаб мувофиқлаштириб бормоқда.

Халқнинг бирлиги, жипслиги, кимлиги, қандайлиги шундай оғир кунларда билинади ва синалади. Халқимизни ҳамжиҳатлик каби муштарак мақсадлар бирлаштириб турар экан, ҳар қандай офат бартараф этилиши муқаррар.

«Халқ сўзи».

ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ файзли, баракали бўлади

Муҳтожларни қўллаб-қувватлаш, ночорларга, кексаларга меҳр-оқибат, саховат кўрсатиш халқимизнинг азалий қадриятларидан. Бу эзгу фазилатлар қон-қонимизга сингиб кетган. Айниқса, бугунги синовли кунларда ана шу ўлмас қадриятларимиз янада ёрқин намоён бўлмоқда.

Одамларимиз “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати атрофида жипслашяпти. Қуйида шулар ҳақида сўз юритамиз.

Ибрат

Ёш тадбиркорлар 700 оилага кўмак кўрсатди

Эҳтиёжманд, кам таъминланган инсонлар ва оилаларга ёрдам кўрсатишга имкони бўлган ҳар бир юртдошимиз “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатида қатнашишга интилмоқда.

Бундай хайрли ишларда Андижон вилояти ёш тадбиркорлари ҳам фаол қатнашаётир.

Куни кеча улар томонидан вилоятдаги 700 оилага амалий кўмак кўрсатилди. Саховат қутиларида озиқ-овқат маҳсулотлари, тиббий ниқоблар ва антисептик воситалар жамланган.

Айтиш жоизки, саховатга бел боғлаган ёш тадбиркорларнинг барчаси “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси томонидан имтиёзли кредит асосида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйганлардир.

Янги ташаббусларга интилаётганлар

Нукус шаҳридаги 300 дан кўп хонадон, ёрдамга муҳтож кекса одамларга Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши фаоллари ҳамда тадбиркорлар томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари, кўчатлар етказиб берилди.

Карантин даврида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси томонидан эълон қилинган ***#Уйда_қол_фойда_ол*** челленжида Қорақалпоғистондан ҳам ёшлар турли йўналишларда фаол иштирок этмоқда. Хусусан, челленж доирасида қорақалпоғистонлик қирқ нафар ёш тадбиркор ва ҳунарманд ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни намойиш этди. Ана шулардан бири Тахиатош туманидаги “Саройкўл” овул фуқаролар йиғинидан гилам тўқувчи Жерен Келова ғолиб сифатида 1 миллион сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

Иқтидорли ёшлар — Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали талабалари Рустам Мадраимов ва Жақсилиқ Даулетназаров ёнилғисиз, қуёш панеллари ёрдамида ишлайдиган саксовул уруғи экувчи ускуна ихтиро қилишди. Эътиборли жиҳати, ундан фақат саксовул экишда эмас, ғўза қатор ораларига ишлов бериш ҳамда полиз экинлари ҳашаротларига қарши курашишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Кластерга қўшимча 800 нафар ишчи қабул қилинмоқда

Намангандаги “Art soft tex” кластери таъсисчилари карантин чекловлари сабабли вақтинча ишсиз қолган фуқароларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида Наманган шаҳри, Поп, Мингбулоқ ва Янгиқўрғон туманларида уч минг оилага ёрдам бериш ташаббуси билан чиқишди.

Кластер мажмуаси таркибидаги корхоналар пандемия шароитида ҳам санитария-гигиена талабларига қатъий риоя қилган ҳолда фаолият кўрсатиб, ишлаб чиқаришни бутунлай тўхтаб қолишига йўл қўймади. Момиқ сочиқ ва кўплаб турда тайёрланаётган трикотаж маҳсулотлари ички бозордан ташқари экспортга ҳам жўнатилмоқда. Деҳқончиликдаги ишлар ҳам авжида. Жумладан, 23218 гектар майдонга экилган чигит тўла униб чиқди. Айни кунларда дастлабки экилган майдонларда ниҳолларга биринчи ишлов беришга киришилган. Далаларда 460 та культиватор, 8000 дан ортиқ меҳнатчилар ҳаракатда.

— Карантин даврида бир қатор корхоналарда ишлаб чиқаришнинг сусайиши, кўплаб фуқароларнинг ишсиз қолиши натижасида қатор оилаларнинг моддий аҳволи пасайгани кузатиляпти, — дейди кластер корхонаси ахборот-таҳлил бўлими раҳбари Равшан Шамсиддинов. — Бундай пайтда бир четда томошабин бўлиб туриш ярашмайди. Уч минг оилани уч ой давомида озиқ-овқат ва бошқа зарур кундалик буюмлар билан таъминлаб турамиз.

Бундан ташқари, жойларда вужудга келиши мумкин бўлган ишсизлик даражасини юмшатиш бўйича ҳам ўз режамизни белгилаб олдик. Ҳозирданоқ вилоят марказидаги корхоналарга қўшимча ишчилар қабул қилиш ҳақида эълон берилди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 700 га яқин фуқаролар айни меҳнат жамоалари сафига кириб боради. Янгиқўрғондаги трикотаж фабрикасида эса 100 дан зиёд янги ишчилар ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилади.

Ҳамжиҳатлик ифодаси

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлимлари ҳузурида ташкил қилинган Хайрияларни мувофиқлаштириш марказларига келиб, эҳтиёжмандларга ўз кўмагини етказиш истагини билдираётган саховатпеша тадбиркорларнинг кўплиги қувонарлидир.

Улар орасида хорижлик инвесторлар ҳам бор. “Dong stoun progress” қўшма корхонаси Иштихон туманига 1,5 миллион доллар инвестиция киритиб, мармарни қайта ишлаш учун замонавий технологияларни олиб келган. Ҳозирги кунда бу ерда 20 нафар ўғил-қиз иш билан банд.

— “Dong stoun progress” раҳбари Хи Мин томонидан Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказига 200 литр ёғ ва 4,5 тонна ун етказиб берилди, — дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг туман бўлими бошлиғи Ш. Ўсаров. — У томонидан етказиб берилган ун ва ёғ кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва ногиронлиги бўлган шахсларга бепул тарқатилди.

Саховатли инсонлар сафи кенгаймоқда

“Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатини қўллаб-қувватлаб, амалий ёрдами билан ушбу ҳаракатга қўшилаётган қашқадарёлик тадбиркорлар сафи ҳам тобора кенгайиб бормоқда.

Яккабоғ туманидаги паррандачиликка ихтисослаштирилган “Кумуш куз файзи” МЧЖ раҳбари Абдунаби Ғиёсов мамлакатимиздаги саховатпеша тадбиркорлар қаторида “Саховат ва кўмак” ҳаракати жамғармасига 60 миллион сўм маблағ ўтказиб берди. У муборак Рамазон ойида тумандаги ота-онасидан барвақт жудо бўлган 50 нафар ўғил-қизнинг ҳар бирига 1 миллион сўмдан моддий ёрдам кўрсатди ва озиқ-овқат маҳсулотлари жамламасини туҳфа қилди.

Бухоролик тадбиркор 117 та оилани қарамоғига олди

“Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатини қўллаб-қувватлаётганлар Бухорода ҳам кўп. Ана шундай инсонлардан бири, халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши депутати Нодир Ҳамдамов. Унинг ташаббуси билан 117 нафар кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оила рўйхати шакллантирилди ва тадбиркор уларни ўз қарамоғига олди.

— Биз шу оилаларни уч ой давомида кундалик зарур истеъмол моллари билан таъминлаб, уларнинг иссиқ-совуғидан хабар олиб турамиз, — дейди Н. Ҳамдамов. — Бундан ташқари, эҳтиёжманд оилалардаги ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш тадбирларини ҳам кўряпмиз. Яқинда шундай ёшларнинг 25 нафарини иш билан таъминладик.

Гап шундаки, ишбилармон қисқа муддат ичида янги бизнес лойиҳани амалга ошириб, антисептик воситалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Натижада янги иш ўринлари яратилишидан ташқари бозорда талаб катта бўлган бу маҳсулотни экспорт қилиш имконияти ҳам юзага келди.

«Биз юртимизга елкадошмиз, халқимизга мададкормиз»

— Ўтган уч кун мобайнида махсус ҳисоб рақамимизга 500 миллион сўмдан ошиқ маблағ тушди, — дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Навоий вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари Нормурод Исоқов. — Бугунги кун ҳолатига кўра, 100 дан зиёд тадбиркорлар ўз ҳомийлик маблағини ўтказиб бериш истагини билдирди. Бундан ташқари, “Karmana golden eggs” МЧЖ раҳбари Азиз Сувонов ҳамда “Export fish product” МЧЖ директори Обид Саидов 500 тадан оилани ўз оталиғига олиб, яна 100 кишини вақтинча иш билан таъминлади. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатларининг бу шахсий намунаси янада кўплаб юртдошларимиз учун ўзига хос эзгу даъват бўлмоқда.

Бундай эзгу ишларда ёшларнинг олдинги сафларда эканлиги, айниқса, эътиборга молик. Чунончи, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Навоий вилояти кенгаши, “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси вилоятдаги ёш тадбиркорлар ҳамкорлигида Рамазон ойининг илк кунлариданоқ “Биз юртимизга елкадошмиз, халқимизга мададкормиз” шиори остида вилоятдаги ижтимоий ҳимояга муҳтож 1000 та хонадонга, жами 110 миллион сўмлик, 7 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берди.

Вилоятнинг шаҳар ва туманларида бу каби эзгу ишларни қўллаб-қувватлаб, саховат ишларига ҳисса қўшиш истагидаги тадбиркорлар сафи тобора кенгаймоқда.

«Синовни эзгулик билан енгамиз!»

Тошкент вилоятида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга муборак Рамазон ойи ўзининг хайру саховати билан кириб келди. “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатига қўшилган тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлар, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан ночор аҳволда яшаётган хонадонларга кунлик эҳтиёж учун зарур бўлган 12 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги вилоят бошқармасининг Оҳангарондаги Хайрияларни мувофиқлаштириш марказида фаолият юритаётган “Call-center”нинг 1197 телефон рақамига шу кунгача (шаҳар, туманлар билан бирга) 31 мингга яқин турли мурожаатлар келиб тушди. Уларнинг 27 мингдан кўпига ҳамда муҳтож ва камбағаллиги қайд этилган оилаларга, Меҳрибонлик ва Саховат уйлари каби меҳр-мурувватга муҳтож манзилларга 53 тонна гуруч, 43 тонна шакар, 62 тонна ун, 56 минг 219 литр ўсимлик ёғи, 8 минг 131 кг. мол гўшти, 450 кг. қуритилган мева, 51 тонна 400 кг. макарон, 37,5 тонна сабзи, 500 кг. бодринг, 2,5 минг литр сут, шунингдек, зарур тиббий воситалар етказиб берилди.

“Минг оилага — минг туҳфа!” ижтимоий хайрия тадбири доирасида эса вилоятдаги 900 га яқин муҳтож оилаларга бир бошдан соғин сигир инъом этилди. Шунингдек, вилоятда “Ҳар бир оила — тадбиркор”, “Yoshlar — kelajagimiz” ва “Ҳунармандчиликни ривожлантириш” каби дастурлар доирасидаги лойиҳаларни молиялаштиришга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

— Саховатпешалик халқимизнинг қонида бор, — деди Оҳангарон туманининг Санам маҳалласидаги “Шаҳзодбек асри” МЧЖ раҳбари Абдулазиз Жониқулов. — Савоб ишларни амалга ошириш халқимизга хос фазилат ҳисобланади. “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати фаолиятини қўллаб-қувватлаб, пандемия шароитида бундай синовли кунларни саховат билан енгамиз.

«Халқ сўзи».

ЭЪЛОНЛАР

Давлат, хусусий ҳамда бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ БОШ БОШҚАРМАСИ

қуйидагиларни сотиб олиш бўйича танлов савдоларини эълон қилади:

— алюминий (зангламас пўлатдан) қошиқ;
— чўмич 0,2 л.;
— ошхона пичоғи;
— алюминий (зангламас пўлатдан) миска;
— алюминий (зангламас пўлатдан) кружка;
— факс қоғоз;
— А4 офсет қоғоз 80 гр/м²;
— А4 газета қоғоз 48 гр/м²;

Таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100105, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 25-уй.
Маҳсулотга техник талаблар ва қўшимча маълумотларни иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги телефон рақамларига қўнғироқ қилиб олишингиз мумкин:

Телефон/факс: 71-283-27-84, 71-291-64-15, 71-291-68-69.

3-11 А

Барча тикувчи ва етказиб берувчи ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси

2020 йил 30 апрелдан 15 майга қадар кийим-кечаклар, пойабзал ва анжомларни тикиш ҳамда етказиб бериш юзасидан танлов (нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича) эълон қилади.

Академияга зарур кийим-бош, пойабзал ва керакли анжомларни тикиш, алоҳида шахсга тикиш ҳамда харид қилиш бўйича танловда иштирок этиш учун тижорат таклифлари 2020 йил 15 майга қадар қабул қилинади.
Шунингдек, танловда қатнашиш учун ушбу фаолият билан шуғулланишга берилган лицензия, гувоҳнома ва мувофиқлик сертификатидан нусха беришингиз лозим.
Қўшимча маълумотлар ФВВ Академиясининг ipb.uz сайтида жойлаштирилган.
Танлов таклифлари ёпиқ ва муҳрланган конвертларда ёки электрон тартибда қабул қилинади.

Маълумот учун телефонлар: 71-258-58-70, 97-704-41-23, 99-829-40-59. Факс: 71-258-56-57.
Манзил: 100102, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Дўстлик кўчаси, 5-уй.
e-mail: ipbfvv@exat.uz

3-12 А

ХАБАРНОМА

“Халқ сўзи” газетасининг 2020 йил 14 март № 55 (7557)-сонидаги «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ томонидан берилган эълонига қўшимча ўзгартириш киритиш тўғрисида.

“Асака” АТБ Автотранспорт филиалининг 2020 йил 10 мартдаги № 03/1062-сонли буюртманомага қўшимча ўзгартириш киритиш тўғрисидаги 2020 йил 28 апрелдаги № 03/1554-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Кўкча Дарвозаси кўчаси 345-уйда жойлашган “Асака” АТБ Автотранспорт филиалига тегишли умумий ер майдони 2316,0 кв.м., бинонинг умумий майдони 2955,0 кв.м. бўлган “Маҳалла гузари” қуйидаги шартларда аукцион савдосига қўйилмоқда:

- объект бошланғич баҳоси — 15 526 150 000 сўм;
- закалат миқдори объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган ҳолатида;
- аванс тўлови олди-сотди шартномасининг 35 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, шунингдек, 15 фоиз закалат пулини ҳисобга олган ҳолда жами 50 фоизини олди-сотди шартномаси тузилган санадан кейин 20 кун муддат ичида сотиб олувчи томонидан тўлаб бериш;
- олди-сотди шартномаси қийматининг қолган 50 фоизини 12 ой муддат давомида тўлов жадвалига асосан амалга ошириш;
- фоиз ҳисоблаш — олди-сотди шартномасининг қолдиқ миқдорига йиллик Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги қайта молиялаш ставкаси миқдорида белгиланади.

“Халқ сўзи” газетасининг 2020 йил 14 март № 55 (7557)-сонидаги эълоннинг қолган маълумотлари ўзгаришсиз қолади, қўшимча маълумотларни realtorservice@mail.ru электрон почтасига ёки 95-170-78-13 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган RR – № 0008.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 46 439 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.05 Топширилди — 01.25 1 2 3 4 5 6